

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБУОТ КҮМИТАСИ

Газета 1929 йил, 1 августдан чиқа бошлаган

№ 67 (65943)
1996 йил, 14 сентябрь, шанба

Сотувда эркин
нархда


Ғиждувонлик ёш мухбирлар хабар қиладилар

Математикани ақлни чархловчи фан сифатида таърифлашади устозларимиз. Биз ҳам мураббийларимизнинг бу гапларига жон деб қушиламиз. Аммо геометрия фани ҳам ақлни пешлашда, мия чигалларини ёзишда ҳисоб фанидан қолишмайди. Ушбу илм сабоғини бизга устозимиз Ҳосият Журақулова ургатадилар. Уларнинг бир одатлари борки, сира уришмайдилар, ёмон гапир-**ЯХШИ МУОМАЛА САБАБ**

майдилар, озгина дарс қилиб, саволларига жавоб берсак, дарров мақтайдилар. Биз уларнинг бу муомалалари учун доимо яхши билим олишга, уй вазифаларини уз вақтида бажариб келишга ҳаркат қиламиз.

Янги ўқув йилидан бошлаб Ҳосият опанинг шогирдлари Марям опа бизга дарс бераётгилар. Улар ҳам худди устозларига ухшайдилар.

Гулҳаё АБДУЛЛАЕВА,
3-мактаб ўқувчиси.



Гулни ким севмайди дейсиз. Лекин узингиз экиб парваришласангиз жуда бошқача булади-да. Ҳовлимизда йигирма хилдан зиёд гул кучатлари булиб, ҳаммасини узим экиб, парвариш қилганман. Улар чиройли булиб очилиб, атрофга ҳуш ис таратганда, айниқса қувониб кетаман. Уларни қиш кунлари тувакларга кучириб, иссиқ хоналарда сақлайман, баҳорда яна олиб чиқаман.

МЕН ГУЛЛАРНИ СЕВАМАН

Мактабимизда «ёш табиатшунослар» тугараги фаолият курсатади. Унга Шоҳиста опа Қурбонова раҳбарлик қиладилар. Тугарак аъзолари синф хоналари, мактаб атрофи, қолаверса маҳалламизнинг озодалиги учун кураш олиб борадилар. Йул ва ариқ буйларидаги биронта гул ёки дарахт кучатларини қуриб, шохларини синиб қолишига йул қуймайдилар.

Ҳозирги кунларда 6-, 7-, 8- синф ўқувчиларига табиатни асраш, унинг гузаллигига гузаллик қушиш борасида пухта билим бериляпти. Бу албатта атрофмуҳит мусаффолигига оз бўлса-да ҳисса қушади.

Ҳосият ҚУВВАТОВА,
3-мактаб ўқувчиси.

Ўқувчилик даврларимни эсласам, қувончдан энтикиб кетаман, у инсон ҳаётидаги энг унутилмас, орзуларга бой палла. Шунинг учун «даврни беҳуда сарф этма дейдилар онам. Жонажон мактабимизга ҳар тонг қадам қўяр эканман, юқоридаги гаплар ёдимга тушаверади. Бу ерда кечаётган ҳар онни

фойдали ўтказишга, билим сирларидан илжиборича кўпроқ воқиф бўлишга интиламан.

Энди мактабимиз ҳақида гапирадиган бўлсам, у 1966 йилда қурилган. Мустаҳкам билим олиши-

миз учун бу ерда барча шарт-шароит етарли. Стадион, катта спорт зали, ошхона, клуб, тарих


музейи, хилма хил тугараклар, машғулот ўтказадиган хоналар мавжуд. Шу сабаб ҳам ўтган йили

мактабдошларим спортда катта ютуқларга эришди, фанлар бўйича ўтказилган туман, вилоят

олимпиадалари ғолиблари бўлишди. Буйил мактабимизнинг

30 йиллик тўйи нишонланади. «Тўйга тўёна билан бориш эса ўзбек халқига хос одат. Биз ҳам унга ўзимизнинг аъло ўқишимиз, спортда эришган яхши натижаларимиз билан ҳисса қўшмоқчимиз.

Орзигул
НАЖМИДДИНОВА,
40-мактаб ўқувчиси.



МАЪНАВИЯТГА ЮКСАК ЭЪТИБОР

Мустақиллик туфайли юртимизда кечаётган туб ислохотлар орасида асосийлардан бири минг йиллик маънавиятларимизнинг тикланаётгани булди. Бу борада ишни янада авж олдириш мақсадида Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг «Маънавият ва маърифат» жамоатчилиги маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самардорлигини ошириш туғрисида» фармони эълон қилинди. Фармонда маънавий-маърифий ислохотлар давлат сиёсатининг асосий йуналиши экани, ёшлар онгига Ватанга муҳаббат, кўхна қадриятларимизга содиқликни сингдириш, 1977 йилдан бошлаб 1 октябрь «Ўқитувчилар ва мураббиялар» куни дея эълон қилиниши каби бир қанча вазифалар белгиланган.

ИХЧАМ ВА ЕНГИЛ

Болалар саломатлигини муҳофаза қилиш йулида олиб борилаётган ишлар тобора кенг қулоқ ёймоқда. Куни кеча «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг Тошкент шаҳар булими томонидан Тез тиббий ердан станциясига жами 104 минг 951 сумлик 4 та болалар кардиографини ҳаётиятда. Бундай тиббий мослама ихчам ва енгил булиб, батареяка ердамида ишлайди. Хориждан сотиб олинган бу кардиографлар тез тиббий ердан станциясининг болалар бригадаларига бериладиган булди.



**БИР
ҲАФТА
ЯНГИЛИКЛАРИ**

АМЕРИКАЛИКЛАР ЎЗБЕКИСТОН ҲАҚИДА

Ўзбекистон республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг АҚШга ташрифидан сунг океан ортида мамлакатимизга булган қизиқиш ортиди. Шунга кура Америкада инглиз тилида «Ўзбекистан тудэй» («Бугунги Ўзбекистон») мустақил даврий нашри чиқа бошлади. Журнал мустақил давлатимиз, унинг иқтисодиёти, маданияти, тарихи, урф-одатлари билан америкаликларни яқиндан таништиради. «Ўзбекистан тудэй» Тошкент шарқшунослик институтининг профессори Бахтиёр Турсунов ташаббуси билан АКСЕЛС ердамида чоп этилган.

САРОЙ ЭШИКЛАРИНИ ОЧДИ

Пойтахтимиздаги республика ўқувчилар саройининг 61-мартда очилишига бағишланган йиғилиш булиб ўтди. Унда республика халқ таълими вазирининг уринбосари Муртазо Султонов сузга чиқиб, мустақил мамлакатимизнинг келажаги булган ёш авлод баркамол инсон булиб етишишлари учун ҳукуратимиз томонидан барча ишлар қилинаётгани, бунга жавобан болалар олдида турган вазифалар хусусида гапирди. Йиғилиш сўнгида ўқувчилар саройининг Насиба Мадараҳимова раҳбарлик қиладиган «Юлдуз» рақс дастаси ижросида концерт дастури намойиш этилди.

— Наргиза, тарихимизни урганиш албатта муқаддас бурчимиз. Сендаги бу бурчни чуқур тушунишинг, унга бўлган иқтидоринг мени жуда қувонтирди. Илк бор сенда бу ҳавасни ким уйғотди?

— Дадажоним Нуриддин Ҳайдаров бизнинг фанларга бўлган қизиқишимизни мунтазам кузатиб бордилар. У киши тарихни жуда яхши билдилар. Буюк шахслар ва уларнинг ҳаёти ҳақида жуда кўп ривоятлар, афсоналарни шундай қизиқарли қилиб айтиб берадиларки, беихтиёр уша воқеаларни қуриб тургандек бўламиз.

Оиламизда ҳар куни кечқурун фанлар хусусида бахсли мунозаралар, айтишувлар бўлади. Бу қизиқарли бахслар мени тобора узим билмаган янги оламга олиб киради. Опам Нодира Ҳайдарова ҳам мактабимизда тарих фанидан дарс беради.

— Сен Амир Темур тарихини урганипсан экан, боз устига мактабларинг ҳам шу муқаддас ном билан аталаркан.

— Мактабимизга бу номни берилиши мени шунақа қувонтирганки, фахрланиб кетганман. Мен Амир Темур бобомизнинг хотираларини тикланишини истиклолимиз шарофатидан деб биламан.

— Наргиза, буюк соҳибқиронга бўлган беғубор меҳринг, муҳаббатингдан бошим кўкка етди. Амир Темурдаги қайси ҳислат сени ўзига жалб этди?

— Буюк соҳибқирон бобомиз ниҳоятда ростгўй, адолатпарвар бўлганлар. Шунинг учун ҳеч қачон душмандан енгилмаганлар. Кейин-чи, улар болаларга жуда меҳрибон бўлганлар.

— Сен бунга қаредан биласан?

— Бу ҳақидаги афсоналарни роса кўп биламан.

— Бизга ҳам айтиб беролмайсанми?

— Майли.

Амир Темур навбатдаги бир мамлакатни енгиб қайтганда йул устида йиғлаб утирган болага кузи тушади. Отдан тушиб боланинг ёнига боради. Унинг йиғлаётганини сабабини суриштиради. Шунда ҳалиги бола енгилган мамлакат вазирининг ўғли эканини, дадасини Темур аскарлари асир қилиб олиб кетаётганлигини айтади.

— Ҳуш, сен нима истайсан болакай? — сурайди Темур. Бола узи билан сузлашаётган одам Темур эканлигини билмай, ҳали катта бўлсам уша Темур

деганларининг додини бераман, дадамнинг учини оламан! — дейди кузлари ёниб. Шунда Амир Темурнинг завқи келиб: «жуда паҳлавон бола экансан-ку, мен билан кетмайсанми?» — дейди синаш учун.

— Сиз узи кимсиз? — ҳайрон сурайди бола.

— Сен уч олмоқчи бўлган Темур мен буламан — дейди кулиб. Бола одамлар оғзидан эшитган ваҳимали Темур шу эканлигига ишонмайди.

— Нега алдайсиз, у қурқинчли одам, сиз меҳрибон

СОҲИБҚИРОНГА ЁҚҚАН БОЛАКАЙ

Сухбатдошимиз Наргиза Ҳайдарова Сирдарё вилояти Мирзаобод туманидаги Амир Темур номли 25-мактабнинг 8-синфида ўқийди. У аъло ўқиш билан бирга Амир Темур тарихини тинимсиз ўрганади.

Куйида Наргиза билан бўлган суҳбатни эътиборингизга ҳавола қиламиз.

кишига ухшайсиз-ку. Агар сиз ростдан ҳам Темур булсангиз, айтинг-чи нега ҳадеб мамлакатларни босиб олаверасиз?, — дейди суҳбатдошига дадил тикилиб. Бу болакайнинг дадиллиги, тугри сузлиги соҳибқиронга ёқиб тушади.

— Мен барча мамлакатларда адолат урнатмоқчиман, уларнинг бошини битта қилмоқчиман холос, дейди болакайга уйчан тикилиб. Кейин аскарларига у боланинг дадасини озод қилишларини буюради. Болакай озод бўлган дадасини қуриб, хурсанд бўлганидан Темурнинг оёғига тиз чуқади. Шунда Темур «Урнингдан тур болакай, ҳеч қачон тиз чуқишга урганма, ушанда зур одам буласан, энди бор, далантни олиб мамлакатингга қайт, — дейди. Аскарларнинг ҳаммаси соҳибқироннинг бу ишига ҳайрон бўлиб қолишади.

— Яхши афсона экан... Биласанми Наргиза, адолат ва озодлик учун курашган инсонларнинг номи ҳаммиша абадийдир. У номга қанча пой отмасинлар, йиллар ўтиб беҳуда, тўхмат пойлари қуриб, увадланиб тушади, ном эса мангу қолаверади.

Мана бугунги кунда биз бобомиз Амир Темурнинг 660 йиллигини нишонлаш арафасида турибмиз. Уйпайманки, бу бизнинг бобомиз руҳи олдидagi муқаддас бурчимиздир.

— Бизнинг мактабимиз ҳам бу санани муносиб совғалар



билан кутиб олишга ҳаракат қилмоқда.

— Наргиза, бизнинг газетамиз билан бундан буюн ижодий мулоқотда бўлсангиз яхши бўларди.

— Ҳаракат қиламан.

— Айтмоқчи, бунда вақтларингга нималар билан шугулланасан?

— Қадимги тарихимизни ёритувчи китобларни излайман. Тоғиб ўқийман. Шундан дам оламан.

— Қанақа орзуларинг бор?

— Узимнинг, роса катта, тарихий китобларга бой кутубхонам булишини хоҳлайман.

— Яхши орзу экан, ким бўлмоқчисан?

— Ҳозирча у ҳақида уйлаб қурмадим.

— Айт-чи, озодлик нима дегани?

— Мен китобларда ўқиганман. Бечора қуллар Озодлик деганини бир умрлаб кутишади. Биз ҳам уша буюк орзуларга эришдик. Демак энди ҳеч ким бизга, жонажон Ўзбекистонимизга зугум қила олмайди. Энди биз ҳеч кимни қурқмаймиз. Темур бобом айтганларидай биз ҳеч кимга тиз чуқмаймиз. Чунки озодмиз.

— Самимий оҳбатинг учун раҳмат, Наргиза!

— Саломат булинг.

ЮЛДУЗХОН.

Уйинг тор бўлса ҳам, кўнглинг кенг бўлсин

ҚИЗҒАНЧИҚНИНГ ДЎСТИ БЎЛМАЙДИ

Уйинчоқларни яхши кураман. Айниқса, машина, мотоцикл, велосипед уйинчоқларини уйнаш жудаям ёқади. Биз билан бирга кўп қаватли уйларда яшовчи болалар доим бизнинг уйда тушланамиз. Улардан уйинчоқларимни ҳеч ҳам қизғонмайман. Чунки, ойим қизғанчиқнинг дўсти булмайди, уни дўст ҳам деб булмайди, деб ўқтиради.

Еттинчи сентябрь куни тугилган куним булди. Олти ешга кирдим. Мени қутлага-

ни келган меҳмонларни қуриб, узимда йўқ хурсанд булдим. Улар ҳам кўнглимдагини топгандек, «машина» уйинчоқлар совға қилишди. Ботир амаким олиб келган «автомат», Муҳиддин тоғаниннинг узи юрар машинасини қабул қилаётганим, севинчим ичимга сигмайди.

Қушни болалар Сардор, Нодир, Дониёр, Акрам акамлар ҳам уларни завқ ва ҳавас билан томоша қилдилар. Дўстларим Шерзод, Улугбек, Азизхужа ва Қуддуслар ҳам узлари қўлда тайёрлаган уйинчоқлари билан мени табриклашди. Улар билан бирга тенгдошимиз Дилшод Каттабековнинг қушиқларига маза қилиб уйнадик. Шу қувончлардан кейин «Тугилган кун доим булаверсин, меҳмонлар ҳаммиша келаверсин, уйинчоқларим қупаяверсин» дегим келди.

Нодирбек ХОЛМИРЗАЕВ,
Тошкент шахри.

Меҳмон-меҳмон уйнадик,
Мезбон-мезбон уйнадик.
«Ҳуш келибсиз!» деб кутдик,
«Ҳуш кўрдик!» деб гул тутдик.
Мезбон очса бағрини,
Хафа қилмай Баҳрини,
Воҳидни аразлатмай,
Ҳамидни айтиб атай,
Ясатиб, олиб енга,
Олиб бордик меҳмонга.
Уялтирмай юзимиз,
Ерга қормай узимиз,
Ҳар енга солмай узин,
Эшитиб катта сузин,
Улар сипо булишди,
Ҳаё билан кулишди.

МЕҲМОН-МЕҲМОН ЎЙНАДИК

«Олинг-олинг», — деб мезбон,
Булиб ширин суз, забон,
Дилда бир ниёт, — дея,
Дийдор ганимат, — дея,
Суради аҳволимиз,
Кечамиз, иқболимиз.
Ойиқонлар енида,
Бувиқонлар енида,
Бизлар бориб меҳмонга,
Ҳуш қуриб мезбонга,
Тажрибалар олибмиз,

Катта бўлиб қолибмиз.
Сиздан угина, биздан...
Деб мезбон булдик биз ҳам.
Дастурхонни тузиб соз,
Соч тараб, қилиб пардоз,
Уларни кучоқ очиб,
Кутиб олдик нур сочиб.
Секин сузлаб, секин еб,

Зерикмадик шу куни.
Ҳатто биздан беркиниб,
Олди Шарик шу куни.
— Бу ким? — деб вовилламай,
Ортиқча бобилламай.
Меҳмон-меҳмон уйнадик,
Мезбон-мезбон уйнадик...
УМИДА.



Одобинг — обрўйинг

«МЕН УНИ ЖУДА ЯҚИНДАН КЎРДИМ...»

«Мен уни жуда яқиндан кўрдим. Сизнинг ёшингизда. Чехраси маъсум, ёқимтой, аммо кузлари... улар безовта, олазарак. Куллари эса... чаққон, ҳа, жудаям чаққон. Шундоққина куз олдимда...

Автобус тикилинч. У менга гавдаси билан тескари турарди. Чап қули чаққонлик билан буралиб келиб, узига бутунлай қарама-қарши томондаги сумканинг қулфини очарди. Юрагим гупиллаб уриб кетди. Тезлик билан узимни нарига олдим. У мен тарафга бир қараб олдию, тезда чаққонлик билан икки-уч одам оралаб нари кетди.

Орадан ҳеч қанча вақт урмаёқ бир аёл чирқиллаб қолди. «Уғрини ушланглар, ҳужжатларим, уйимнинг калитлари, машинани тухтатинг!» Ялт этиб қарадим. Уша маъсум чехраси болакайни икки йигит маҳкам ушлаб турарди. Автобус тухтади. Йигитлар усмирни олиб тушишди. У қочишга уринди. Лекин йигитларнинг бири чалиб йиқитди. Тепкилай бошлашди. Уғрининг оғиз-

бурни қонга беланди.

«Тухтанг, урманглар уни, мен тарбиялайман, уқитувчиман!» дея қичқириб юборганимни билмай қолдим. Жон ҳолатда юрай деб турган автобусдан тушиб қолдим. Улар билан милициянинг балоғатга етмаган усмирлар билан ишлаш бўлимига бордим.

Уйга қайташману нуқул йиғлагим келади. Болага ачинганданми ёки бўлиб утган воқеаларга афсусланганимданми, нимаданлигини билмайман. Ахир уша уғригина бола шундай чаққонлик, уз «хунари»нинг устаси фаранглигини одамларга, юртига фойда келтириш учун ишлатас бўлмасмиди. Ким уни шу йулга солди, энди бу йулдан ким олиб чиқали?

Тарбиявий ишлар бўйича мактаб директори муовини Марҳамат опа Пулатова муаллимасидан ана шу аянчли воқеани эшитганда устоз Гани Қодиров директорлик қилаётган Тошкентдаги 26-мактабда ўқирди. Уқишчи тугатмаёқ тарбиячи-муаллимлик касбини эгаллашни мақ-

сад қилди.

— Ушанда уқитувчимиз айтиб берган воқеадан шунчалик таъсирланиб кетибманки, икки-уч дугонам билан туман милициясига бордик. Усмирлар билан ишлаш бўлимидагилар бизни яхши кутиб олишди. Уларнинг маслаҳати билан мактабимизда «Милициянинг ёш дустлари» гуруҳини туздик. Тенгдошларимиз, узимиздан кичиклар уртасида суҳбатлар, тушунтириш ишлари олиб борардик.

Марҳамат опа олийгоҳни битириб келгач, Тошкентдаги 117-мактабда ишлаш бошлади. Билим маскани, унинг атрофи, яқин маҳалларда ҳам тарбиявий ишларни яхши йулга қўйди. У «1-отчопар», «2-отчопар» маҳаллалари оқсоқоллари Шоадҳам ота Шоҳалилов, Садриддин ота Исломов билан биргаликда дастур тузиб, усмирлар уртасида фаол иш олиб боришади. Ота-оналар ҳам улар билан доимо алоқадорлар. Мабодо бирор фавқулодда ҳодиса юз бериб қолса, улар уша усмирлар билан учрашиб, воқеани



ипидан игнасиғача урганиб чиқадилар, зарур бўлса чора-тадбирлар ҳам белгилайдилар.

Ҳар икки маҳаллада усмирларнинг буш вақтларини фойдали ишлар билан утказишлари, хунар эгаси бўлишлари учун ҳам катта аҳамият берилади. Наққошлик, ганч-уймакорлиги хунарларини ургатиш учун жойлар, устозлар гуруҳлари ташкил этилган. Маҳалла худудида «Асбобсозлик» заводи стадиони жойлашган. У ерда эса — футбол, баскетбол, кураш секциялари ишлайди, тренерлар вақти-вақтида болалар билан шуғулланиб турадилар.

Мактабда очилган 12 та тугарақда район болалар ижодиети маркази уқитувчилари машгу-

лотлар утказиб турадилар. Буларнинг ҳаммаси туфайли мактабдаги бирор ўқувчи ҳам милициянинг вояга етмаган усмирлар бўлими руйхатига тушмаган.

Муҳаббат МАҚСУДОВА.

Суратда: Тарбиявий ишлар бўйича директор муовини Марҳамат опа Пулатовани ҳар доим болалар билан учратиш мумкин. (чапдан ўнгга) 8-синф ўқувчиси Шароф Эргашев футбол, стол тенниси билан, 7-синф ўқувчилари Шерзод Абдумавлонов, Комил Саъдиев футбол, 5-синф ўқувчиси Нодир Умаров эса футбол, кураш, стол тенниси билан шуғулланадилар.



Учинчи лицей синфи муаллимаси Сожида опанинг бир гапи борки, уни ҳар дарсда бир такрор-

пайди: «Янги мавзунини пухта тушуниш учун утилганни яхши билиш керак».

Пойтахтимиздаги Абдул-

ла Қаҳҳор номли мактабда утган йили лицей синфи очилган эди. Ушанда биринчи синфда бўлган кичкинтойлар икки йилга мулжалланган дастурни бир йилдаёқ ўзлаштиришди. Бу

эндигина етти ёшда бўлган жажжиплар учун осон кечмади, албатта. Шунинг учун тажрибали устоз Сожида опа Зокированынг ҳар бир насиҳату уғитларига амап

қилиб, дарсни уз вақтида тайёрлашди ва тушуниб олишди. Натижа кутилгандек бўлди.

Суратда: учинчи лицей синфида дарс пайти.

Биринчи чорак давом этмокда

БИРДАНИГА УЧГА САКРАШДИ

СИНФ БУРЧАГИ — ЎҚУВЧИ КЎЗГУСИ

Бугун бешинчи «А» чиларнинг юмуши кўпайгандан кўпайди. Синф бурчаги тайёрланаётган вақтда синф деворий газетасининг дастлабки сонини чиқаришга тўғри келиб қолди.

— Ким ўқув йилини муваффақиятли бошлади, ким қолок — бу деворий газетага, дарс жадвали, навбатчилар рўйхати ва бошқалар «синф бурчаги»га, — таклиф килгани болалардан бири.

— Йўқ, «синф бурчаги» ҳар биримизнинг кўзеумиз бўлгач, унга ҳар кунги даволат, олинган баҳолар қўйиб борилади. Бунинг учун ҳаракатланувчи варақа тайёрлаймиз, унда ҳаммамизнинг қандай ўқишимиз, тартиб-интизомимиз ойна-



дек акс этиб туради.

— Мабодо бирор кун ёмон ўқиб, яхши интизом кўрсатмаган ўқувчининг номи пайдо бўлса-ю, меҳмон келиб қолса, унинг олдида...

— Шундай бўлмаслиги учун ҳам доимо интилишда бўламиз-да.

Синфдошлар шу тариқа ҳамжихатлик билан маслаҳатлашиб, деворий газета чиқаришди, «синф бурчаги»ни безатишди. Энг муҳими, ҳар бир ўқувчи «бурчак» — яъни кўзгудан муносиб жой олиш учун ҳаракат қила бошлади.

Бу аҳил синфдошлар пойтахтимиздаги Абдулла Қаҳҳор номли мактабда ўқишади.

Р. АЛЬБЕКОВ фотолари.

**Шоирлар
болаларга**

Йўлдош СУЛАЙМОН

Бир-бирларин сийлашар,
Ширин сўзлар излашар,
Кўлни-кўлга беришар.
Шунинг учун эришган
Иккови ҳам иззатга,
Яхши билар кузатган.
Қани, айтинг уларни,
Ҳавас қилмай бўларми?!



Сардор билан Сухробжон
Ҳамиша бир тан, бир жон.
Одоблари жойида,
Улар учун қоида—
Ўқиб аъло баҳога,
Ҳаёт кутган соҳага
Тайёрланиш,
Шайланиш,
Мард йигитга айланиш.

Маҳбубахон



Маҳбубахон ойдай
Унинг худди ёйдай—
Қоши эсга тушди:
Учаётган қушдай!
Нурга ўхшар ўзи,
Ҳам қизилу ҳам оқ,
Пешонаси кенгроқ.
Кўзларининг сеҳри—
Дилидаги меҳри.
Қовоқлари бодом,
Суяр кўрган одам.
Ҳар бир босган изи,
Айтадиган сўзи—
Кўпга ибрат катта.
Маҳаллада ҳатто
Ёшу қари мақтар,
Бари-бари мақтар:
Уни доим «Сиз» деб,
«Энг одобли қиз» деб!
Маҳбубахон қизим
Менинг кўрар кўзим!



Атрофига куч бериб,
Ҳам шошилиб, ҳам
эриб —
Борган сари пасайиб,
Йўл-йўлкай озайиб,
Нимжонгина овоз-да,
Енгилгина хуш
соз-да, —
Оқаётган, эй, жилга,
Сен туфайли

очилган —
ҳар иккала қирғоғинг,
Бор ўтлоғу, бор
боғинг.
Унда ўтар ҳар чоғим,
Ёзпади чарчоғим!
Булгоғингдан айрилма,
Сенга жуда қойилман!

(Боши ўтган сонларда)

Юқориди айтган режаларим билан қандайдир куч-қувватга тулиб, ҳатто шу боришдаёқ биринчи қадамим — янги мустақил ҳаётга куйган қадамимдек туюлиб, Термизга жундим.

Поезддан тушибоқ дадам ёзиб берган адрес буйича бизнесчи уртоғининг уйини излаб кетдим. Топдим. Деворлари ҳам пишиқ гиштдан қурилган, темир дарвозаси оғзида иккита ажина кучук ётарди. Мени куриб, «душманлик» билан

мизга келганларида, қишлоқни эслаб утирдилар...

— Дадам ҳам куп эслайдилар, — дедим. Кейин нима учун қайтиб келганимни тушунтирдим: — Балки отангиз ёрдамчиларига тайинлагандилар?

— Нимани?
— Менинг келишимни. Тугри, кечикиброқ келдим... Агар тайинлаган булсалар...

— Дадамни ваҳима тугганида, бировга бир гап тайинлайдиган аҳволда эмасдилар, — деди у.

шим бор эди.

Энг ёмони шуки, мен бу еққа жунаш олдидан «уз ихтиёрим билан» ишдан бушаб, бир таниш омборчидан қарзга пул кутарувдим: икки карра қилиб қайтармоқчи эдим...

Энди нима булади?
Айтмоқчи, мен қизнинг номи айтмаяпман: фойдаси йук. Чунки уша пайтдаёқ уни унутганини истаб қолган эдим: у кетди... У

Жаҳонгир



қарши олди. Бир амаллаб ҳовли кўнгигоғини босдим.

Думбок, ешгина-ю, сочи тукилиб кетган йигит чиқиб келди. Йигитнинг қовоғи солиқ эди.

«Фалон кишининг углиман. Тошкентдан келдим», деб таништирдим узимни. У ҳам уша «пистон» кишининг кичик угли экан. Чехраси хиёл ёришди-ю, лекин:

— Отамнинг мазаси йук, — деди. — Духтирлар бировга курсатманглар дейишган.

— Шунақаям булар экан-да? Йигит тошиб турган эканми, ё мени отам туфайли узига яқин олдимни бирдан титраб:

— Духтирлар «бели гарячка» дейишди, — деди бидиллаб. — Лекин отам ичмайдилар ҳисоб... Жуда оз ичадилар. Бир табибни чақириб қаратгандик, уша... уша «ўтиб кетади, восвос бўпти» деди. Илгари бир марта шундай булулдилар.

Мен ҳали бу касалнинг нима лигини билмас эдим, Бирок, «белая горячка» деганидан хабарим борлиги учун — «ваҳима» булган, деб уйладим. Кейин ҳар эҳтимомга қарши сурадим:

Қачон тузалишлари мумкин экан?

— Э, билсак эди, огайни! Тарвизим қўлтигимдан тушиб, катта йулга чиқдим: ҳамма орзуларим барбод булгандай эди.

«Энди кимга борсам экан?» деб куп уйладим. Театргами, вилоят санъат бошқармасигами бориш фикриям тугилди. Бирок у даргоҳларда ишловчиларнинг, яъни дадамнинг «айтган таниш»ларининг менга ердами тегишига инонмадим.

Кейин яна бирдан орқага қайтиб, таниш дарвозага келдим. Сержун, пакана итлар яна хуриб қарши олишди мени. Яна эвини қилиб, тугмачани босдим.

Думбок йигит яна чиқиб келди-да, энди анча жилмайиб:

— Адашиб қолдингизми? — деди. — Худога шукр, дадам ҳозир кузини очди. Аммо отангизни эслолмади. Фақат тоғда яшайдиган бир амманни эслади...

Тоғда?
— Ҳа. Менинг отам сизнинг дадангиз билан ҳамқишлоқ. Уйи-

— Тушундим.

Мени йул толиқтирган эди. Кейин, бир неча минутлик изтироб юзимга ҳам тепганми — менга бирдан ачиниб боқди-да:

— Отам... отам бировга сир айтмайдилар, жура, — деди. — Илгаридан шундай...

— Ха-а.

— Биз жуда камбағалчиликдан шу даражага етдик. Отамнинг душманлари куп. Бир-икки йил олдин рекэччилар хат ёзиб қурқитишди. Отам уларга ҳеч нарса бермадилар... Кейин, шу касални топдилар. Олдинлари ухламай тонг оттирар эдилар. Кейин-кейин шундай булиб қолдилар...

— Тушундим.

Чашмада ҳам мени шумхабар кутиб турган экан. Холам гамгин кулимсираб айтди:

— Сенинг О... билан гаплашиб турганингни куришган экан танишлари. Қизинг отасига айтипти. Отаси: «Убола Тошкентда яшаётган булса, қизимни опқочиб кетиш ҳам қулидан келади», депти хотинига. Кейин...

— Қизини эрга бериб юборди. Қандайдир қариндошига... Сен хафа булма. Қиз топилади. Ешсан...

— О... куёвни танир эканми?

— Қариндоши булганидан кейин сал-пал таниса керак... Лекин, Тойиржон, таниши шарт эмас. Бизда ҳалиям отанинг гапи-гап. Билдингми? Бунинг устига, жоним, уша йигит бир марта хотин куйган экан...

— Э, худойим!

О...нинг синиққина жилмайишлари, соддалиги, ҳаракатчанлиги кўз олдимга келиб, унга жуда-жуда ачиндим. Сунгра, шу ҳолимда узим ҳам уни бахтиер қилолмаслигимга инониб, бирдан хурлигим келди: «Э, худойим, нима гуноҳ қилдим? — дедим ичимда.

— Эндигина ишларим юришай деганда, бутун режаларим картон уйчадек бузилиб кетди. Энди уйга қайси юз билан қайтиб бораман?»

Тошкентга боргач, нима қилишимни ҳам тасаввур этолмасдим. Нимагаки, бу еққа жунагунимгача бир тижорат дукониди ердамчи сотувчи булиб ишлаб турувдим.

Тугри, ишим — вақтинчалик эди-ю ҳарқалай, уч-турт сум мао-

шурликнинг қисмати шу экан...

Балки унинг тезроқ узатилишига мен ҳам сабабчи булгандирман...

Булар иш булди.

Альбомнинг охири вароғини очдим. Унда биронта ҳам сурат йук эди. Қизик, назаримда, унинг шу бетларида ҳам суратлар булиши лозим эди.

Альбомни ёпдим.

Тагин бирон хафта ўтгач, мен соғайиб кетдим; башарамдаги мушт излари ҳам гоийб булди.

Ўтган шу кунлар давомида қисқагина умрим ҳақида уйладим. Ва айрим хулосаларга ҳам келдим...

Яқинда ойим шкафдан эски шимни топиб, «уйда кийиб юр», деб бердилар. Шимни кийиб, чунтақларига қулимни тиксам, эски қопчиққа тегди. Уни чиқариб очишим билан Диноранинг телефон рақамига кузим тушди, икки йил муқаддам бу рақамларни қанчалар излаган эдим! Балки у ҳалиям менинг кўнгироқ қилишимни кутаётгандир? Ахир, бу ҳаётда бирон бир нарсани ҳам олдиндан билиш мушкул-ку?

«Бутуноқ, йук, ҳозироқ сим қоқаман Динорага. — Кейин кучага чиқаман», деб уйладим.

Кейин альбомни тагин, энди тез-тез варақлай кетдим — бу бир хазинадек булиб қолган эди: мана, мен. Бу — онам, отам, севимли бувим.

Булар — синфдошларим, буниси — Динора. Мана, Аброр—Абориген тоғам.

Холамни ҳам кургач, охири бетни очдим. Ҳа, бунда ҳеч қанақа сурат йук.

Шунда бирдан тушундимки, мен ҳали охири бекатга етганим йук...

Ажабо, бу бетдаги биринчи сурат балки менинг булажак умр йулдошимники булар, балки биринчи фарзандимники...

Бошда «мен, мен улаяпман» деган эдим, энди эса «тирилаётганим»ни сездим.

Демақ, инсон «улар экан» ва «тирилар экан», бироқ ҳаёт, ҳаётнинг узи абадий экан.

(Тамом)

<p>ТОНГ ЮЛДУЗИ Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси</p>	<p>Бош муҳаррир Умида АБДУАЗИМОВА</p>	<p>Таҳрир хайъати: Наримон ОРИФЖОНОВ, Омон МАТЖОН, Гулнора ЙЎЛДОШЕВА, Марат ШАФИЕВ, Феруза ЖАЛИЛОВА.</p>	<p>IBM компютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Ҳажми 1 босма табоқ Буюртма — Г - 0507. 7691 нусхада босилди. Қоғоз бичими — А-3. Босишга топшириш вақти 19.00. Топширилди — 18.30</p>	<ul style="list-style-type: none"> • Рўйхатдан ўтин тартиби № 000137 • Манзилимиз: 700083, Тошкент шаҳри, Матбуоғчилар кўчаси, 32-уй. • Нашр кўрсаткичи: № 64563 • Телефон: 33-44-25
---	---	--	--	--